


YANGI O'ZBEKISTON: INNOVATSIYA, FAN VA TA'LIM

CONFERENCES.UZ 2023

DAVRIYLIGI: 2018-2023



D.I. MENDELEEVNING
KIMYOVIY ELEMENTLAR
DAVRIY JADVALI

Актиниоды

Относительная
атомная масса
(атомный вес)

24 Cr Хром	25 Mn Марганец	26 Fe Железо	27 Co Кобальт	28 Ni Никель	29 Cu Медь	30 Zn Цинк	31 Ga Галлий	32 Ge Германий	33 As Арсен	34 Se Селен	35 Br Бром	36 Kr Криpton
42 Mo Молибден	43 Tc Технеций	44 Ru Рутений	45 Rh Родий	46 Pd Палладий	47 Ag Серебро	48 Cd Кадмий	49 In Индий	50 Sn Олово	51 Sb Сурьма	52 Te Телур	53 I Йод	54 Xe Ксенон
74 W Вольфрам	75 Re Рений	76 Os Осний	77 Ir Иридий	78 Pt Платина	79 Au Золото	80 Hg Ртуть	81 Tl Таллий	82 Pb Свинец	83 Bi Висмут	84 Po Полоний	85 At Астат	86 Rn Радон
106 Lr Лантан	107 Bh Борий	108 Hs Хассий	109 Mt Мейтнерий	110 Ds Дармштадтий	111 Rg Рентген	112 Cn Коперниций	113 Nh Нихоний	114 Fl Флеровий	115 Mc Майтнерий	116 Lv Ливерморий	117 Ts Теннессий	118 Og Оганесон
60 Nd Неодим	61 Pm Прометий	62 Sm Самарий	63 Eu Европий	64 Gd Гадолиний	65 Tb Тербий	66 Dy Диспрозий	67 Ho Гольмий	68 Er Эрбий	69 Tm Туллий	70 Yb Иттербий	71 Lu Лютеций	72 Hf Гафний
92 U Уран	93 Np Нептуний	94 Pu Плутоний	95 Am Америций	96 Cm Кюрий	97 Bk Берклий	98 Cf Калифорний	99 Es Эйнштейний	100 Fm Фермий	101 Md Менделевий	102 No Нобелий	103 Lr Лавренций	104 Rf Риф



TOSHKENT SHAHAR, AMIR
TEMUR KO'CHASI, PR. 1, 2-UY.



+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00



WWW.TAQIQOT.UZ
WWW.CONFERENCES.UZ



FEVRAL
№49

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
ИННОВАЦИЯ, ФАН
ВА ТАЪЛИМ
7-ҚИСМ**

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:
ИННОВАЦИИ, НАУКА
И ОБРАЗОВАНИЕ
ЧАСТЬ-7**

**NEW UZBEKISTAN:
INNOVATION, SCIENCE
AND EDUCATION
PART-7**

ТОШКЕНТ-2023



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” [Тошкент; 2023]

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” мавзусидаги республика 49-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 февраль 2023 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2023. - 29 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Харакатлар стратегияси-дан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофиқ:– илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари тахтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Хорижий тиллар факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Проф. Хамидов Муҳаммадхон Ҳамидович «ТИИМСХ»

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР**

1. Mamura Yoʻldosheva Baxtiyarovna TASHQI QIYOFASINI TASVIRLOVCHI LISONIY BIRLIKLARNING V.RIZ VA I.TOʻXTASINOV “OʻTGAN KUNLAR” ROMANI TARJIMALARIDA BERILISHI.....	7
2. Masharipova Yulduz Otaxanovna ANALYSIS OF THE LEXICAL TRANSFORMATION NAMED OF COMPENSATION IN THE TRANSLATION VERSIONS OF ABDULLA QADIRI’S “OʻTKAN KUNLAR” BY CAROL ERMAKOVA AND MARK REESE.....	10
3. Рофеева Шохида Давроновна “БИЛИМ” ЛИНГВОКОГНИТИВ ТУШУНЧАСИНИНГ ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК БАДИИЙ МАТНЛАРДА ВОҚЕЛАНИШИ.....	13
4. Najmiddinova Nafisa Ismailovna XORIJY TILLARNI OʻQITISHDA TEZ AYTISHLARNING AHAMIYATI.....	16
5. A.R. Pardayeva, Islomova Rayhona, Ergasheva Samira Maktabgacha yoshidagi bolalarning ingliz tilida talaffuzini oshirish.....	18
6. Mamura Yoʻldosheva Baxtiyarovna “ЎТКАН КУНЛАР” РОМАНИДАГИ ПОРТРЕТ ТАСВИРИНИНГ ЛИНГВИСТИК (СИН- ТАКТИК)) ХУСУСИЯТЛАРИ	20
7. Mamura Yoʻldosheva Baxtiyarovna “ЎТКАН КУНЛАР” РОМАНИДАГИ ПОРТРЕТ ТАСВИРИНИНГ ЛИНГВИСТИК (МОР- ФОЛОГИК) ХУСУСИЯТЛАРИ	24
8. Dauletyarova Ulzira Kudiyaarova ULÍWMA BÍLIM BERÍW MEKTEPLERINDE KÓMEKSHI SÓZLERDI OQÍTÍW.....	27



ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

TASHQI QIYOFASINI TASVIRLOVCHI LISONIY BIRLIKLARNING V.RIZ VA I.TO'XTASINOV “O'TGAN KUNLAR “ROMANI TARJIMALARIDA BERILISHI

Mamura Yo'ldosheva Baxtiyarovna,
Toshkent davlat transport universiteti
Chet tillar kafedrası assistenti
E-mail:mbaxtiyarovna@gmail.com
Tel:99-8923307

Annotatsiya: Ushbu maqolamizda badiiy matnda portretning tashqi qiyofasini tasvirlovchi lisoniy birliklarni badiiy tarjimada qayta ifodalashning o'ziga xos muammolari mavjud bo'lib, bu kabi lisoniy vositalar lingvistik, lingvokulturologik, lingvokognitiv xususiyatlarni o'zida mujassam etishi o'rganiladi. Yurtimiz va xorijda badiiy adabiyotdagi qahramon portretini tasvirlovchi til birliklarini tarjima qilish masalalari borasidagi ilmiy izlanishlarning salmog'i ko'p emas. Bu esa tarjimaning mazkur masalalari bilan bog'liq muammolariga yechim topish bugungi kunning dolzarb masalalaridan ekanligini anglatadi.

Kalit so'zlar: tashqi ko'rinish, ekvivalentlik, lisoniy birliklar, milliy madaniyat, ifodalash

Pedagogika fanlari doktori I.To'xtasinov o'zining “Tarjimon tayyorlashda kasbiy kompetentsiyalarni ekvivalentlik hodisasi asosida rivojlantirish”¹ mavzusidagi doktorlik dissertatsiyasida tarjimada inson tashqi ko'rinishi va xarakterini tasvirlovchi gender belgisi va belgisiz qo'shma so'zlarning uslubiy xususiyatlari masalasiga ham to'xtalib o'tgan. Olim ingliz va o'zbek tillarida inson tashqi ko'rinishi va xarakterini ifodalovchi bir qancha qo'shma so'zlarni keltirib o'tadi va ularning ekvivalentlik darajasi borasida so'z yuritadi.

Tanchaning ikki biqinida ikki xotin: bulardan bittasi ichidan atlas ko'ynak, ustidan odmi xon atlas guppy kiygan, boshig'a oq dakanani xom tashlag'an, o'ttuz besh yoshlar chamaliq go'zal, xush bichim bir xotin. Yuzidan muloyimlik, eriga itoat, to'g'riliq ma'nolari tomib turg'an bu xotin qutidorning rafiqasi — Oftob oyim. (28-bet)

I.To'xtasinov: On both sides of the hearth are two women: one of them – stately, beautiful, open, friendly and gentle, with an expressive of absolute obedience to her husband face - a woman of about thirty-five, dressed in a satin dress, a short quilted padded jacket, her head draped with a white kerchief, a qutidor's wife – Oftoboyim. (30-bet)

M.Riz: On either side of the sandal, a woman reposes. One is wearing a long dress of khan atlas inside a sleeveless silk robe. Over these items hangs a loose white silk scarf. She is about thirty-five, beautiful, and slim. She has a face that personifies kindness as well as modest deference to her husband, without any sign of artifice. She is Qutidor's wife—Oftob Oyim. (76-bet)

Asarning yana bir qahramoni Oftob Oyimning tashqi qiyofasini ifodalab berishda qo'llanilgan lisoniy birliklar *atlas ko'ynak, odmi xon atlas guppy, oq dakana, o'ttuz besh yoshlar chamaliq go'zal, xush bichim, yuzidan muloyimlik, eriga itoat, to'g'riliq ma'nolari tomib turg'an* kabi sintaktik birliklardan foydalanilgan.

Ushbu lisoniy birliklar so'z birikmasi shaklida yozuvchi tomonidan ifodalanilgan. Asardagi *atlas ko'ynak, odmi xon atlas guppy, oq dakana* uning usti-bosh kiyimining ko'rinishi, *o'ttuz besh yoshlar chamaliq* so'z birikmasi orqali uning yoshini, *go'zal, xush bichim* birikmalari orqali uning chiroyi tashqi ko'rinishi, *yuzidan muloyimlik, eriga itoat* so'z birikmalari va *to'g'riliq ma'nolari tomib turg'an* frazeologik birigi orqali Oftob Oyimning tashqi qiyofasiga mos ravishda qalbi ham

1 Tuxtasinov I.M. Tarjimon tayyorlashda kasbiy kompetentsiyalarni ekvivalentlik hodisasi asosida rivojlantirish. Ped. fan. doktori dissertatsiya. – Toshkent, 2018. – 226 b.



tozlaigai, erini qanchalik hurmat qilishi yaxshi tarbiya ko'rganligi ko'rsatib berilmoqda.

Atlas ko'ynak, odmi xon atlas guppy, oq dakana kabi so'z birikmalari I. To'xtasinov tarjimasida *a satin dress, a short quilted padded jacket, her head draped with a white kerchief* shaklida berilgan. M. Rizning tarjima variantida *esa a long dress of khan atlas inside a sleeveless silk robe, a loose white silk scarf* shaklida berilgan. Ikki tarjima variantida ham asliyatda ifodalangan ma'no to'liq ochib berilmagan. Aslida esa “atlas” o'zbek xalqining milliylikini anglatuvchi mato turi bo'lganligi uchun boshqa tillarga tarjima qilinmaydi. “Atlas ko'ylak” ingliz tiliga “Atlas” bo'lib o'tadi, *odmi xon atlas guppy* esa “*simple long vest made khan atlas*” shaklida, *oq dakana* lisoniy birligi esa “*soft white kerchief*” shaklida berilsa asliyatdagi madaniy bo'yoqorlik tarjima matniga ham olib o'tilgan bo'lar edi.

Asar qahramonining yoshini ifodalovchi *O'ttuz besh yoshlar chamaliq* so'z birikmasi I. To'xtasinov tarjimasida *about thirty-five* shaklida, M. Rizning tarjima variantida esa *about thirty-five* shaklida berilgan. Ikki tarjima variant ham asliyatga monand.

Go'zal, xush bichim so'zlari I. To'xtasinov tarjimasida “*stately, beautiful*” shaklida, M. Rizning tarjima variantida esa “*beautiful, and slim*” shaklida berilgan. M. Rizning tarjima variant asliyat ma'nosiga mos keladi chunki “*beautiful*” so'zi ayollarga nisbatan chiroyli “*slim*” esa ayollarning qomatiga nisbatan ijobiy fikr aytilganida ishlatiladi. I. To'xtasinov tarjimasida “*xush bichim*” ma'nosini ifodalash uchun “*stately*” so'zidan foydalanilgan. “*Stately*” so'zining ma'nosi ulug'vor ma'nosini bildiradi, bu so'z orqali esa insoning ichki dunyosidan kelib chiqqan holda uning tashqi ko'rinishiga baho berilganida ishlatiladi.

Yuzidan muloyimlik, eriga itoat, to'g'riqlik ma'nolari tomib turg'an birikmasi I. To'xtasinov tarjima variantida “*open, friendly and gentle, with an expressive of absolute obedience to her husband face*” tarzida, M. Rizning tarjimasida “*a face that personifies kindness as well as modest deference to her husband, without any sign of artifice*” deb berilgan. Ikki tarjima variantida ham asliyat matning ma'nosi to'liq ifodalab berilmagan. Aslida esa “*her face shows politeness, fair-dealing, obedience to her husband*” shaklida berilsa, maqsadga muvofiq bo'lar edi. Chunki I. To'xtasinov tarjimasida Oftob oyimning ichki xarakterini bildiruvchi leksik birliklar berilgan xolatda uning erining yuziga itoatlik ma'nosi anglashilib qolgan. Aslida insonning yuziga emas, uning firka va qarorlari, biror masalalarga munosabatiga itoatkorlik bildiriladi. M. Riz tarjimasida esa ingliz tilidagi *any sign of artifice* birikmasining qo'llanishi sharq ayollariga xos xislat emasligini bildiradi. Chunki “*artifice*” so'zining *uydirma, ayyorlik, xiyla, nayrang* kabi ma'nolari mavjud bo'lib bu xarakterlar sharq madaniyatida negative xarakter sifatida baholanadi.

Uning qora zulfi par yostiqlarning turlik tomonig'a tartibsiz suratda to'zg'ib, quyuq jinggila kiprak ostidag'i timqora ko'zlari bir nuqtag'a tikilgan-da, nimadir bir narsani ko'rgan kabi... qop-qora kamon, o'tib ketkan nafis, qiyig' qoshlari chimirilganda, nimadir bir narsadan cho'chigan kabi... to'lg'an oydek g'uborsiz oq yuzi bir oz qizilliqg'a aylangan-da, kimdandir uyalg'an kabi... (28-bet)

I. To'xtasinov: On the pillows in disarray sprawled her black hair; coal-black eyes from beneath her long eyelashes, as if noticing something, looking at one point... Blue-black, extremely thin arched eyebrows knitted, as if she was disturbed by something... cheerfully bright face lightly touched by bashful blush... (30-bet)

M. Riz: Her dusky locks, arrayed carelessly over the pillow, her jet-black eyes under thick curly eyelashes, fixed on one spot as if having a vision ... black brows... two thin brows arched, quivering... her face like a full moon, pearly white, slightly blushing, as if embarrassed by someone's presence... recounting the moment, considering it all... (77-bet)

O'tkan kunlar romanining bosh qahramonlaridan biri Kumushning tashqi ko'rinishini ifodalab berish uchun *qora zulf, quyuq jinggila kiprak, timqora ko'zlari, qop-qora kamon, o'tib ketkan nafis, qiyig' qoshlari, to'lg'an oydek g'uborsiz oq yuzi* kabi lisoniy birliklardan foydalanilgan.

Yuqorida keltirilgan lisoniy birliklar so'z birikmasi shaklida berilgan bo'lib qahramonning tashqi ko'rinishini ifodalab berish uchun ishlatilgan. *Qora zulf* orqali Kumushning sochini rangini, *quyuq jinggila kiprik* orqali uning kipriklarini qanchalik qalin va qayrilgan ekanligini, *timqora ko'zlar* esa uning ko'zlarining rangini qop-qora ekanligi, *qop-qora kamon, o'tib ketkan nafis, qiyig' qoshlari* uning qoshlarining rangini qoraligi, ingichka va qayrilgan shaklda ekanligi, *to'lg'an oydek g'uborsiz oq yuzi* orqali qahramonning yuzining chiroyli, tiniq, oq rangda ekanligi ifodalanmoqda.

Qora zulf so'z birikmasi I. To'xtasinovning tarjima variantida “*black hair*”, M. Rizning



tarjimasida esa “*dusky locks*” deb berilgan. “Dusky” so’zi ingliz tilida g’ira-shira, qorong’u degan ma’noni bildiradi, “locks” so’zi esa ingliz tilida sochning bir qismini tugub yig’ishtirib olgan degan ma’noni bildiradi. Asar ma’zmuniga ko’ra Kumushning sochi to’liq yoyiq holatdaligini ko’rish mumkin. Bunday tashqari qadimdan o’zbek ayollarining soch turmagi ko’rinishlari orasida “dusky locks” turmagi mavjud emas. Bu o’zbek ayollari milliy madaniyati va turmush tarzida ham aks etmagan.

Uning qora zulfi par yostiqlning turlik tomonig’a tartibsiz suratda to’zg’ib parchasi ingliz tilida “her dark hair was unkempt on the pillow” shaklida bo’lishi maqsadga muvofiq edi. Ikki tarjimon ham asliyat matnidagi birikmani tarjima matniga to’laqonli tarzda olib o’ta olmagan.

Quyug’ jinggila kiprak birikmasi I.To’xtasinovning tarjima variantida “*long eyelashes*” shaklida berilgan, M.Rizning tarjimasida esa “*thick curly eyelashes*” deb tarjima qilingan. I.To’xtasinov tarjimasida qahramonning kipriklarini uzun deb bergan. Lekin asliyat matnida Kumushning kipriklarini uzunligini emas, balki uning qalin va qayrilganligi haqida aytilgan. Shuning uchun M.Rizning tarjima varianti asliyat matni mazmuniga mosroq tushadi.

Timqora ko’zlari so’z birikmasi esa I.To’xtasinov tarjima variantida “*coal-black eyes*” shaklida, M.Riz esa “*her jet-black eyes*” tarjida berilgan. Aslida timqora ma’nosi ingliz tilida “dark” so’zi orqali bersa bo’ladi. Ko’zga nisbatan “black” so’zidan foydalanishdan ko’ra “dark” so’zdan foydalanib, “dark eyes” shaklida berilganida maqsadga muvofiq bo’lar edi.

A.Qodiriyning “O’tkan kunlar” romanidagi ayrim qahramonlarning tashqi qiyofasini tasvirlovchi lisoniy birliklarni I.To’xtasinov, shuningdek, Mark Riz tomonidan amalga oshirilgan tarjimalarning tahlili shuni ko’rsatdiki, aksariyat tarjima variantlarida asliyatga yaqinlashish holati kuzatilgan bo’lsa, yana bir necha jihatlarida asliyatdagi tasvir tarjima tiliga olib o’tilmagan. Bu bevosita ingliz va o’zbek tillaridagi olamni milliy anglashdagi qarashlar borasidagi farqlarning mavjudligidadir. Bundan tashqari odatda asar qahramonini tasvirlashda qo’llanadigan tasviriy so’zlar ham ingliz va o’zbek tillarida o’ziga xos farqli xususiyatlarga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Tuxtasinov I.M. Tarjimon tayyorlashda kasbiy kompetentsiyalarni ekvivalentlik hodisasi asosida rivojlantirish. Ped. fan. doktori dissertatsiya. – Toshkent, 2018. – B.91-94,226 b
2. O’zTIL. – B. 75.
3. Umarbek F. O’zbek va uyg’ur tillaridagi o’tkan zamon fe’llarining badiiy nuqtda ifodalanishi (Tarjima asarlari misolida). fil.fan.nom. disserattsiyasi. –T:1998. –144 b.
4. Shirinova R. Diniy realiyalarni badiiy tarjimada qayta yaratishning ayrim tamoyillari (Frantsuz adabiyotining o’zbek tiliga tarjimalari misolida).fil.fan.nom. disserattsiyasi. –T:2002. –136 b; Olam milliy manzarasini badiiy tarjimada qayta yaratilishi. Fil. fan. dok. Dissertatsiyasi. –T: 2017. –246 b.
5. Mamatqosimova V. 20-30 - yillar o’zbek marifatparlik adabiyotida badiiy tarjimaning o’rni (frantsuz adabiyotidan qilingan tarjimalar misolida). fil.fan.nom. disserattsiyasi. –T:2010. –145 b.
6. Sidiqov Q. “Qutadg’u bilik” to’rtliklarining inglizcha badiiy tarjima xususiyatlari. – fil.fan. nom. disserattsiyasi. –T:2010. –151 b
7. Dosbayeva N. Bevosita tarjimada badiiy uslubni qayta tiklash (Amerika hikoyalari tarjimasi misolida). fil.fan.nom. disserattsiyasi. –T:2011. –148 b. 8.To’xtaxo’jayeva N. Badiiy tarjimada lingvokulturremalarning ifodalanishi (ingliz va o’zbek tillari misolida). fil.fan.nom. disserattsiyasi. –T:2017. –141 b.



**ANALYSIS OF THE LEXICAL TRANSFORMATION NAMED OF COMPENSATION
IN THE TRANSLATION VERSIONS OF ABDULLA QADIRI'S "O'TKAN KUNLAR"
BY CAROL ERMAKOVA AND MARK REESE**

Masharipova Yulduz Otaxanovna

Urgench state university

PhD student

+998937587779

masharipova_yulduz@list.ru

Annotation: Translation process is always associated with the culture of the nations which have their own languages. And there is a great variability between different languages. Therefore each culture has its culture specific items. In some cases they are too difficult to translate because of a wide variety of the language features. First of all, translators have to pay great attention to the culture of the language to solve the problem and then choose lexical transformations for getting the best result. Compensation is a type of the lexical transformation which deals with finding perfect solution for the semantic deficiency of the languages during the translation process.

Key words: culture specific items (CSI), compensation, lexical transformation, source language (SL), source text (ST), target language (TL), target text (TT).

Introduction: Target language culture is the culture of the language which is translator is going to translate the source text into. Translators have to know both the target and the source language cultures well, because they actually come across to the some parts of the culture during the translation. In this case they learn the unique aspects of the country's customs and lifestyle, and see the target language as a key to understanding and becoming part of the source language culture. Cultures around the world can't be identical. As mentioned above, every country differs from its language and culture. This leads translators to the lexical transformation named of compensation. As Sándor Hervey and Ian Higgins mentioned, that where any conventional translation, whether literal or otherwise, would entail an unacceptable translation loss, this loss is reduced by the freely chosen introduction of a less unacceptable one, such that important ST effects are rendered approximately in the TT by means other than those used in the ST. In other words, one type of translation loss is mitigated by the deliberate introduction of another. [1; 43]

Methods: According to E.S. Aznaurova, compensation is used when certain elements in the original text cannot be expressed in terms of the language it is translated into. In cases of this kind the same information is communicated by other means or in another place so as to make up the semantic deficiency. [2; 9]

L.S. Barhudarov has rightfully contended that, compensation is used especially often where it is necessary to convey the meanings that characterize certain linguistic features of the original-dialectal coloring, incorrectness or individual characteristics of speech, as well as when conveying pragmatic meanings, when not always it is possible to find a direct correspondence to one or another unit of the SL in the TL system. And pragmatics learns linguistic units as a science that studies the attitude of the user and the characters used in the process of communication with the communicative purpose established in certain speech situations. The method of compensation clearly illustrates the position that we have repeatedly emphasized: the equivalence of translation is ensured not at the level of individual elements of the text (in particular, words), but of the entire translated text as a whole. In other words, there are untranslatable particulars, but there are no untranslatable texts. [3; 221]

Results: As Sándor Hervey and Ian Higgins has suggested, that translating involves not just two languages, but a transfer from one whole culture to another. Nevertheless, it is useful to discuss general cultural differences as such, because they are sometimes bigger obstacles to successful translation than linguistic ones. [1; 31] In the following example compensation is analyzed and given texts are taken from Abdulla Qadiri's "O'tkan kunlar" and its translation versions by Carol Ermakova and Mark Reese from Uzbek into English. The ST of Abdulla Qadiri: "*Och qoring'a salimsoq yeb, ko'kchoy ichishdan zerikkan kishilar choyxonaga Qovoq devonaning kirishi bilan unga so'z qota qoldilar: - Keling-keling, devona! - Bir kosa choylaring bormi, xo'vari? - Bor-bor, avliya, bitta bachcha bo'lsangiz idishi bilan sizniki.*" [5; 156]. The TT of the ST by Carol



Ermakova: “*Having eaten garlic on an empty stomach, the folk in the chaikhana were leisurely sipping green tea and clearly bored when suddenly the holy fool Kavak-Divana appeared with gourds dangling from his belt. “Welcome, divana, welcome!” they all yelled as one. “Well, well my layabouts, can a bowl of tea be found for me?” “It can, it can, saint! Give us a whirl like a girl, bacha, and the tea is yours along with the bowl!”* [6; 143] Here Carol Ermakova gave explanation to the word “Qovoq devona” in her “Translator’s note” as follows: “Divana - holy fool. ‘Kavak’ means gourd or pumpkin, so Kavak-Divana is the ‘holy fool with gourds’.” [6; 143] “Kishilar” is translated as “The folk”. And Mark Reese translated the same ST as follows: “*After eating a mean repast of garlic to fill their empty stomachs, the guests in the tearoom were lying about, drinking green tea. Obviously bored, they perked up as Mad the Gourd entered the room and rained down on him a chorus of greetings: “Hey, hey, come on in, Mad, come on in!” “Do you have a cup of tea for me, you indolent wretches?” “We do, we do, Your Highness! You saint among men! If you dance bacha for us, just this once, we will give you a whole pot of tea.”* [7; 176] Mark Reese translated “Qovoq devona” as “Mad the Gourd” and gave explanation in the endnotes of the book as “Mad the Gourd – is clearly seen as a “Fool of God” whose unusual behavior, which is perhaps due to mental illness, is either an insight into the mystical aspects of Islam or just a view of the vacuous behavior of street mendicants .. [7; 457] And Mark Reese refused to translate “choyxona” as “tearoom”.

Discussion: As mentioned above, compensation is used when conveying pragmatic meanings that when it is not possible to find a direct correspondence to the unit of the SL in the TL. As we know Pragmatics is a science that studies the relationship between the speakers, that is, the first person who uses the language and forms speech, and the second one who hears and understands by listening to the speech. And Zafar Pardayev described speech communication in his educational and methodological manual named “Pragmatic linguistics” as follows: “Speech communication has a dynamic character that is constantly changing and developing. What a communicative goal is, who the speech is aimed at and under what conditions it is being implemented determines the nature of communication. Translators face with such types of texts while translating passages, as speech communication makes up a large part of the work. [4; 7] Let’s see how translators get out of a problematic cultural passage of the SL in the following text, “*Bor-bor, avliya, bitta bachcha bo‘lsangiz idishi bilan sizniki*” [5; 156], is translated as “*It can, it can, saint! Give us a whirl like a girl, bacha, and the tea is yours along with the bowl!*” [6; 143] by Carol Ermakova, and Mark Reese translated as “*We do, we do, Your Highness! You saint among men! If you dance bacha for us, just this once, we will give you a whole pot of tea.*” [7; 176] In an explanatory dictionary of the Uzbek language, an explanation of the word “bachcha” is given as follows: 1. Child. 2. A cheerful, handsome player boy who is in the care and disposal of someone else; without beard. 3. In general, a boy who dances, a dancer. [8; 182] So simply using the ST name unchanged in the TT may in any case sometimes be impracticable. It actually creates problems of spellings. Therefore, transliteration, especially in dealing with names, to some extent solves these problems by using TL conventions for the representation of an ST name. How a name is transliterated may be entirely up to the translator, if it has never been put into the TL before. Or it may be necessary to follow a precedent established by earlier translators. Carol Ermakova and Mark Reese transliterated the word “bachcha” as “bacha” and they gave explanation to the word in context of the target text as “*If you dance bacha for us, just this once,...*”, “*Give us a whirl like a girl, bacha, ...*”. In conclusion, we can see that the words “choyxona”, “bachcha”, “qovoq devona” are unknown for TL readers, that’s why translators compensated the ST using lexical transformation named of compensation to translate the cultural dimension of translation.

Used literature:

1. Sándor Hervej and Ian Higgins. Thinking French Translation. Second edition. A course in translation method: French to English. Second edition published in 2002 by Routledge, New York. 43, 31 p.
2. E.S.Aznaurova, Kh.I. Abdurakhmanova, I.M. Demidova, M.T. Iriskulov, N.V. Phomenko, M.A. Sabirova, S.T.Takhirjanova, M.K. Khudaiberganova Translation theory and practice. “Ukituvchi” 1989. 9 p.
3. L.S. Barhudarov. Language and translation. 1975. “International relations” press. 221 p.
4. Zafar Pardayev. Pragmatic linguistics. Educational and methodical manual. Samarkand State



University, 2013. 7 p.

5. Abdulla Qadiri. O'tkan kunlar. Novel. "Sharq". Tashkent 2018. 156 p.

6. Abdulla Qadiri. Days Gone By. Translated by Carol Ermakova. Karimov foundation. Nouveau Monde editions, 2018. Paris. 143 p.

7. Abdullah Qodiriy. O'tkan kunlar (Bygone Days). Translated by Mark Reese. Published by Muloqot Cultural Engagement Program. Nashville TN. 2018. 176 p.

8. E.Begmatov, A.Madvaliev, N.Makhkamov, T.Mirzaev, N.Tukhliev, E.Umarov, D. Khudaiberganova, A. Khojiev. An explanatory dictionary of the Uzbek language. 182 p.



“БИЛИМ” ЛИНГВОКОГНИТИВ ТУШУНЧАСИНИНГ ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК БАДИЙ МАТНЛАРДА ВОКЕЛАНИШИ

Рофеева Шохида Давроновна

Самарқанд давлат университети ўқитувчиси, изланувчи

Аннотация. Мазкур мақолада бадий матнларда инсоннинг ақл даражаси, ақлий имкониятлари ва “билим” семантик майдонига оид тил бирликларининг қўлланилиши таҳлил қилинган. Мақолада назарий фикрлар кўплаб контекстлар билан далилланган.

Калит сўзлар: семантик майдон, контекст, ақл даражаси, бадий адабиёт, коннотатив баҳо.

Аннотация. В настоящей статье исследуется отражение в художественном тексте уровня интеллекта, интеллектуальных возможностей человека и использование языковых единиц, относящихся к семантическому полю «знание». Теоретическое содержание статьи подтверждается множеством контекстов.

Ключевые слова: семантическое поле, контекст, уровень интеллекта, художественный контекст, коннотативная оценка.

Abstract. The present article investigates the reflection of the level of intellect, intellectual abilities of a person and use of language units of the semantic field “knowledge” in literary texts. Theoretical content of the article is proved by numerous contexts.

Key words: semantic field, context, level of intellect, literary context, connotative mark.

Давлатимиз мустақилликка эришгандан кейин мамлакатимизда ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз қалбига ва онгига сиғдириш даврнинг энг долзарб масалаларидан бирига айланди. Шу сабабли жамиятимизнинг барча соҳаларига, жумладан, санъатнинг энг юксак тури бўлган адабиёт ҳар бир инсоннинг янгича талаблар қўйилмоқда. Чунки, бадий адабиёт инсоннинг эзгу фазилатларга тарбиялайдиган, унга маънавий озик, куч-қувват ва ирода берадиган маънавий маданиятимизнинг ажралмас бир бўлаги ҳисобланади [С.С. Казахбаев, 2015, б. 196].

Бадий матнда экстралингвистик маълумот етказилиши китобхоннинг шахсий тажрибаси ва билим даражасига боғлиқ. Ҳақиқатдан ҳам, бадий асарни ўқиш жараёни турли ментал-когнитив ҳаракатларга асосланади. Бу жараён бадий асар сюжети, лексика хусусиятлари ва муаллиф мақсадини таҳлил қилиш шаклида ўтади. Шунинг учун, контекстуал маълумот китобхон дунё қарашига ва ақлий жараёнларига боғлиқ [Г.Г. Молчанова, 1998, б.49].

Бадий матн мураккаб тизим бўлиб, нафақат анъанавий стилистика, балки прагматика, лингвомаданиятшунослик, когнитив тилшунослик, фалсафа ва логика каби фанларнинг объектига айланади. Матн, биринчи навбатида, когнитив жараёндир, чунки у инсоннинг шахсий фикрларини сўз воситаси ёрдамида ифодалайди. Тил бирликлари ва стилистик воситалари ҳар бир муаллифнинг ўзига хос услубини яратади [Л.Г. Лузина, 1996, б. 78].

Персонажлар хатти-ҳаракати тасвирида арзимасдек кўринган айрим деталлар муаллифнинг маълум услубий мақсадини ёритишга йўналтирилган бўлади. Детал бадий асарни безаб турувчи ва унинг бадий қийматини оширувчи унсур экан, таржимада уни муаллиф кўзлаган мақсадга мувофиқ қилиб бериш, лозим бўлган қиррасини ёритиш муҳим. Ҳар бир детал муаллифнинг воқеликка бўлган нуқтаи назарини пинҳона акс эттиради [Н. Досбаева, 2017, с. 116-117].

Бадий матнларда инсоннинг нафақат ташқи кўриниши ва характери, балки ақлий қобилияти, ақл даражаси, турли ментал ҳаракатлар ёритилади:

- Айланай, болам, патирунгни ён! Кечга қолаётирсиз. Бу сиз аралашадиган иш эмас! – деб қўйиб яна ўзининг “эслик” келини билан маслаҳатини давом эттирган эди [А. Чўлпон, “Кеча ва кундуз”, б. 29].

...these were truths which I really could not, for the moment, bring my mind at all to bear upon or comprehend [Ch. Dickens, “Going away” from “American Notes”, p. 8].

Матнда персонажнинг ақлий қобилиятига ижобий ёки салбий баҳо берилиши мумкин. Масалан, қуйидаги контекстда ақлий даража ҳақида салбий баҳо воқеланади:

Бу яширин кучлар ҳар мақомга солиб ўйнатар, қичгина ақли эса уларнинг орзусига қарши туролмасди [И.С. Тургенев, «Оталар ва болалар», б.39].



Бадий матнда қаҳрамонларнинг ментал жараёнлари тез-тез тасвирланади:

I suppose I dodged them up and down this sofa for at least a quarter of an hour, without reaching them once; and by the time I did catch them, the brandy-and-water was diminished by constant spilling, to a tea-spoonful [Ch. Dickens, “The passage out” from “American Notes”, p. 19].

Персонажларнинг ақл даражаси уларнинг турли ҳаракатлари билан бевосита боғлиқ:

Холматнинг ишонмаслигига ақли етарди. Шунинг учун масалани чуқурлаштирмасдан, сўзни бошқа томонга роқ буришни эп кўрди [А. Чўлпон, “Кеча ва кундуз”, б. 38-39].

Жамиятдаги зиёли ва ўқимишли кишилар “ақли илм” ва “толиби илм” иборалари билан номланади:

Шаҳар ва уезд ҳокими тўралар ва фуқаро ва бойлар ва ақли илм толиблар ва ҳоказо ҳеч кимса мазкур мингбошидан жиддий норози бўлганлари йўқдур [А. Чўлпон, “Кеча ва кундуз”, б. 95].

Бадий асарларда “билим” семантик майдонига оид кўплаб контекстлар учратилади:

They and the handmaid before mentioned, being in such ecstasies of fear that I scarcely knew what to do with them, I naturally bethought myself of some restorative or comfortable cordial; and nothing better occurring to me, at the moment, than hot brandy-and-water, procured a tumblerful without delay [Ch. Dickens, “The passage out” from “American Notes”, p. 19].

Билиб гапирасизми, хўжайин? Мен газетанинг ўзини тузукқуруқ ўқийолмайман-ку, унга хат ёзиш қайёқда! Муни ўз ақли, ўз устаси ёзади [А. Чўлпон, “Кеча ва кундуз”, б. 94].

Эс “билим” семантик майдонига киради ва бадий матнларда “эс” лексемали иборалар тез-тез учраб туради:

Эсингга қойилман, бетавфиқ! Шунча эсинг бор-у, намоз ўқимайсан! [А. Чўлпон, “Кеча ва кундуз”, б. 69].

Қуйидаги парчаларда “эслик” лексемаси “ақлли, доно” маънони ифодалайди:

- *Мунча эслик экан* Султонхон айланг!

- *Шунга ҳам эс керакми? – деди қиз. Хадичахон кўзларини айёрлик билан ўйнатиб туриб, кундошига қаради* [А. Чўлпон, “Кеча ва кундуз”, б. 53]. “Эспаст” лексемаси салбий баҳога эга бўлиб, ақлнинг паст даражасини ифодалайди:

- *Аслини ўйлаганда, у ҳам эспастлик қилибди. Лекин унинг эспастлиги сизнинг фойдангиз* [А. Чўлпон, “Кеча ва кундуз”, б. 46].

Маълумки, “билим” концептининг майдони кўплаб фреймлардан иборат. Академик ва илмий даража ва унвонлар ҳам мазкур концептининг фреймлари ҳисобланади ва улар бадий асарларда ҳам тилга олинади:

- *Сенда бакалавр дипломи борми?*

- *Йўқ, мен икки марта йиқилганман* [Ги де Мопассан, “Азизим”, б. 15].

Қуйидаги парчаларда персонажларнинг илмий даражаси тасвирланган:

1835-йилда Николай Петрович университетни битириб, номзодлик унвонини олди [И.С. Тургенев, «Оталар ва болалар», б.5].

Персонажнинг фикрлаши ва билим савияси қуйидаги контекстда турли стилистик воситалар ёрдамида тасвирланади. Мазкур контекстда метафора ишлатилган:

Дюруа шу тобда тиниқ фикрлолмай турарди, у эҳтимол, буларни оғзаки бошлаб ҳикоя қилиб бериши мумкин эди, лекин ҳозир қозғозда ифодалаб беришга оғизлик қилмоқда эди. Унинг икки чаккаси лўқиллаб оғриди, қўлларини жиқ тери босди, қозғоз қаришида оғизликдан иситмаси кўтарилган ҳолда у яна ўрнидан туриб кетди [Ги де Мопассан, “Азизим”, б. 50].

Бадий қаҳрамон илмий салоҳияти қуйидаги контекстда метафоризация асосида очиб берилган:

Бироқ катта оппоқ варақ пайдо бўлиши биланоқ бирдан қалласи бўм-бўш бўлиб қолди, мияси худди парчаланиб кетгандай эди. У воқеаларни узук-юлук хотирлар, уларни уларни миясида сақлаб қолишга ўринар, лекин энди тартибга солиб қозғозга туширмоқчи бўлганда, яна ҳаммаси чап бериб қочар, кўз ўнгидан ҳамма нарса лип этиб ўтиб, яна гойиб бўларди, уларни қандай қилиб ушлаб олиш, қай тарзда қозғозга тушириш, нимадан бошлашни билолмай боши гаранг бўларди [Ги де Мопассан, “Азизим”, б. 82]. Мазкур контекстда “билим” концептининг кўплаб фреймлари ишлатилган: калла, мия, хотира ва б.

Кейинги бадий контекстда “билим” мавзусига оид жуда қизиқарли маълумотлар берилган, яъни билимсиз одам ўзини билағон қилиб кўрсатиши, инсонларнинг кўпи ахмоқ



эканлиги ва шунга ўхшаган фикрлар баён қилинган:

- Шунинг ўзи етарли, ўн-ўн бешта каллахумлардан қолган бошқалар ҳам шундан ортиқ нарсани билмайди, каллахумларнинг ҳам буларни билгани билан бундан ақлли бўлиб қолмайди. Гапимга ишон, ўзингни билагон қилиб кўрсатишдан осони йўқ. Ҳамма гап ўзингнинг нодонлигингни бошқаларга ошкор қилиб қўймаслигингда. Думингни тутқизма, гапни айлантир, четга бур, хижолат тушиладиган вазиятларга тушма, тўсиқларни айланиб ўт ва қомусларни рўкач қилиб бошқаларнинг оғзига ур, мисини чиқар. Одамларнинг ҳаммаси – гирт оми ва аҳмоқ, ҳеч бирининг тўнкадан фарқи йўқ [Г.Мопассан, “Азизим”, б. 15]. Кўриниб турибдики, мазкур контекстда одамларнинг илмий савияси ва билим даражасига паст баҳо берилган.

Хулоса қилиб айтামизки, бадиий матнда инсон ва унинг ақлий қобилияти тил бирликлар ва стилистик воситалар ёрдамида ёрқин, образли ва эмоционал мазмунга эга бўлган ҳолда тасвирланади.

Адабиётлар:

1. Досбаева Н. Бадиий таржимада муаллиф услубини етказиб беришда деталнинг ўрни // Филология масалалари. Илмий-методик журнал. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2017. - № 1. – Б. 114-117.
 2. Казахбаев С.С. Мустақиллик йилларидаги қорақалпоқ болалар драматургиясининг ўзига хос хусусиятлари // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент: ЎзМУ, 2015 - № 1/2. – С.196-197.
 3. Лузина Л.Г. Когнитивный стиль // Краткий словарь когнитивных терминов. – Москва: Филол. фак-т МГУ имени М.В. Ломоносова, 1996. – С. 79-81.
 4. Молчанова Г.Г. Когнитивные проблемы категоризации: свертка смысла и ёмкость текста // Материалы Первой международной школы-семинара по когнитивной лингвистике. – Тамбов, 26-30 мая 1998. – С. 48-51.
- Бадиий матнлар:
5. Ги де Мопассан. “Азизим”. (Иброҳим Ғафуров таржимаси). Тўртинчи нашри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 464 б.
 6. Тургенев И. Оталар ва болалар. (Малик Раҳмон таржимаси). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 292 б.
 7. Чўлпон А. “Кеча ва кундуз”. Роман. – Тошкент: Илм-зиё-заковат, 2019. – 288 б.
 8. Ch. Dickens, “Going away” from “American Notes”. – Standard Publications, 2006. – 404 p.



XORIJIY TILLARNI O'QITISHDA TEZ AYTISHLARNING AHAMIYATI

Najmiddinova Nafisa Ismailovna

Andijon Davlat Chet tillar Instituti 2-kurs magistranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada chet tili o'rganayotganda tez aytishlarning o'rni, o'quv jarayoniga ta'siri hamda nutqni rivojlantirishga qanday yordam berishligi haqida so'z yuritilgan. Xorijiy til o'qituvchilariga tez aytishni o'qitishga oid bir necha tavsiyalar ham mavjud.

Kalit so'zlar: tez aytish, nutq, talaffuz, tushunish

Abstract: This article talks about the role of Tongue Twisters when learning a foreign language, its impact on the learning process, and how it helps to develop speech. There are also some recommendations for teaching foreign language teachers to speak quickly.

Key words: tongue twisters, speech, pronunciation, comprehension

Tez aytishlar ancha davr ilgari paydo bo'lgani oldin ma'lum. Ularning yordami bilan bolalar ona tili nutqini qiziqarli hazil shaklida tushunishni o'rgandilar. Bugungi kunda nutq terapevtlari talaffuz qilinishi qiyin bo'lgan harflar va so'zlar ketma-ketligidan bolalar uchun maxsus tez aytishlar tuzadilar va ularning ko'pini ovoz chiqarib tez-tez talaffuz qilinishi nutq nuqsonlarini yo'q qiladi [1].

Har birimiz bolalikdan tez aytishlar bilan tanishmiz. Kulgili iboralar va qofiyalar ba'zida xatosiz aniq talaffuzga osonlikcha erishila, ba'zida esa atrofdagilar tez aytishni mazmunli holatda tushunishlari qiyin. Ammo, o'yin — kulgidan tashqari, tez aytishlar ham muhim vazifani bajaradi-ular tovushlar va so'zlarni aniq talaffuz qilishni o'rganishga, to'g'ri diksiyani olishga va suhbatdoshingiz tomonidan so'zlarni tushunish va tushunturishni sezilarli darajada murakkablashtiradigan nutq nuqsonlaridan xalos bo'lishga yordam beradi [1].

Agar siz chet tilini o'rganayotgan bo'lsangiz, unda siz to'g'ri talaffuz va to'g'ri urg'uga erishish qanchalik qiyinligini bilasiz. O'zingizning bilimingiz va ko'nikmalingizni o'rgatishda sizga o'zbek tilida so'zlashuvchilar bilan bir xil printsipl asosida qurilgan ingliz tili tez aytishlar yordam beradi. Ulardagi so'zlar shunday tanlanganki, tovushlarning kombinatsiyasi sizni nafaqat tez va aniq, balki to'g'ri urg'u bilan ham gapirishga majbur qiladi. Ingliz tilidagi Tez aytishlar uzoq vaqtdan beri chet tillarini o'rganish dasturiga kiritilgan, chunki ushbu turdagi darslarning ta'siri uzoq muddatli deb hisoblanadi, bu talabalarning nutqiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Chet tilini o'rganayotganda va nutq texnikasini takomillashtirish ustida ishlayotganda, til materiallari mustaqil ish uchun ham, darsda ishlash uchun ham mos bo'lgan tez aytishlarga alohida o'rin beriladi.

Talaffuzni tez aytishlar bilan o'rgatish oson emas va dastlab bunday faoliyat foydasiz bo'lib tuyulishi mumkin, ammo unday emas. Tez aytishlar ingliz tilidagi tovushlarning to'g'ri artikulyatsiyasini rivojlantirish uchun juda samarali vositadir, bu diksiya va talaffuzga foydali ta'sir ko'rsatadi [2, 57-bet]. Chet tilini o'rganish jarayonida tez aytishlarning kiritilishi aniq talaffuzning rivojlanishiga va nutq tezligining oshishiga ta'sir qiladi. Qoida tariqasida, nutq apparatini faollashtirish va talabalarni safarbar qilish uchun dars boshida tez aytishlar kiritiladi [2]. Shunisi e'tiborga loyiqki, ko'plab tajribali o'qituvchilar chet tilidagi tez aytishlardan tashqari, o'zbek tilida so'zlashadiganlardan ham foydalanadilar. Ushbu ish usuli nafaqat o'rganilayotgan tilda, balki ona tilida ham intonatsiyaning diksiyasi va qulayligini yaxshilashga imkon beradi.

Tez aytishlar ustida ishlash nafaqat kelajakdagi tarjimonlar uchun, balki o'z faoliyatining mohiyati bo'yicha xalqaro konferentsiyalar, ko'rgazmalar, simpoziumlar va boshqalarda qatnashadigan ishbilarmonlar uchun ham muhimdir. Tez aytishlar odatda nafaqat ingliz tilida so'zlashadigan dunyoda so'z o'yinlari sifatida, balki ko'pincha bolalar uchun o'yin-kulgi shakli sifatida ham qo'llaniladi. Ushbu sodda, ammo shu bilan birga tovushlar bilan to'ldirilgan iboralar ma'ruzachiga inglizcha talaffuzni mashq qilish, diksiyani yaxshilash uchun mo'ljallangan. Tez aytishlarning o'ziga xos xususiyati yodlashga yordam beradigan ritmning mavjudligi [3]. Tez aytishlar bilan ishlash usuli juda yaxshi ma'lum: bo'g'inlarni sekin o'qish, so'zlarni sekin o'qish, keyin esa tezroq, tezroq va juda tez, lekin to'g'ri taffuz qilish zarur.

Tez aytishlar odatda fonetik jihatdan o'xshash so'zlarni o'z ichiga olgan iboralardir. Ushbu so'zlar ko'pincha biz minimal juftliklar deb ataydigan so'zlardir, ya'ni ular faqat bitta tovush bilan farq qiladigan so'z juftlari nima uchun tilni burish ingliz tilida so'zlashuvchilar uchun ham talaffuz



qilish qiyin [3].

Tez aytishlarni qanday to'g'ri ishlatish kerak? Sekin-asta til burilishini baland ovoz bilan takrorlashni boshlang. Bu sizning ijroingizda aniq eshutilishiga ishonch hosil qiling. Tilni burishtirishni yoddan bilib oling. Tez aytishni iloji boricha tezroq takrorlang, uni ketma-ket uch marta to'xtamasdan va ikkilanmasdan takrorlang [1]. Siz uchun qiyin bo'lgan tovushlarni ishlab chiqadigan va ularni har kuni o'qiydigan bir nechta tilni tanlashga harakat qiling — bu kuniga atigi 5-7 daqiqa davom etadi.

Tez aytishlarning foydalari haqida bir nechta so'z. Tez aytishlar, birinchi navbatda, inson diksiyasini yaxshilash uchun ixtiro qilingan deb o'ylaydiganlar kam. Agar biror kishi chet tilini o'rganishga harakat qilsa, u bola kabi boshidan boshlanadi: tovushlarni, eng oddiy so'zlarni va iboralarni o'rgatadi. Chet tilini o'rganuvchilar hech qanday holatda tilni burishtirishni e'tiborsiz qoldirmasliklari kerak. Birinchidan, yuqorida aytib o'tilganidek, Tez aytishlar diksiyani yaxshilaydi. Tez aytishlar talaffuzni keskinlashtirishga va nutqni yanada chiroyli va aniqroq qilishga yordam beradi. Ikkinchidan, to'g'ri talaffuz qilingan tez aytishlar o'quvchilarga aksentdan deyarli xalos bo'lishga yordam beradi.

Uchinchidan, bu shunchaki kulgili! Ayniqsa, siz yolg'iz bo'lmaganingizda va bir xil bolalar yonida o'tirganda, hushtak, va xirillagan tovushlar to'plamini takrorlashga harakat qilishadi. Ammo natija darhol seziladi! Ingliz tilidagi Tez aytishlarni tez emas, balki to'g'ri talaffuz qilish muhimdir. Masalan, interdental tovushni [θ] oddiy [s] bilan aralashtirmasdan. Menimcha, Tez aytishlar ingliz tilini o'rganishda juda foydali qo'shimcha hisoblanadi. Bu sof so'zlar, ya'ni tovushlar va so'zlarning aniq talaffuzi. Bu fonetik jihatdan o'xshash ko'plab so'zlarni o'z ichiga olgan iboralar, ya'ni. bitta tovush bilan farq qiladigan juft so'zlar. Siz tinglashingiz va tushunishingiz uchun gapirishni o'rganishingiz kerak, ammo buning uchun siz kamchiliklaringiz ustida ishlashingiz kerak. Ingliz tilidagi tez aytishlar yordamida mashq qiling. Axir, Tez aytishlarning o'ziga xos xususiyati shundaki, ularda talaffuz qilinishi qiyin va murakkab tovushlar bo'lgan so'zlar tanlangan [2, 59]. Va ingliz tilini o'rganayotganda, Tez aytishlar tovushlar va so'zlarni aniq talaffuz qilishni, nutq nuqsonlaridan xalos bo'lishni o'rganishga yordam beradi. Tez aytishlar yordamida ingliz tilidagi tovushlarning to'g'ri artikulyatsiyasi rivojlanadi va bu talaffuzga ta'sir qiladi va nutq tezligini oshiradi. Shunday qilib, diksiyani yaxshilaydi. O'ylaymanki, agar siz ingliz tilida tez aytishlarni to'g'ri talaffuz qilsangiz, ya'ni. baland ovozda, sekin, keyin yodlab oling va ketma-ket uch marta to'xtamasdan va ikkilanmasdan takrorlasangiz, shunda siz aksentdan deyarli xalos bo'lishingiz mumkin. Yuqorida aytilganlarning barchasiga asoslanib, to'g'ri nutq va diksiyani o'rnatishda tez aytishlar ajralmas yordamchiga aylanishi mumkinligi ayon bo'ladi. Tez aytishlar yordamida tovushlarni bir-biriga aralashtirmasdan so'zlarni to'g'ri talaffuz qilishni o'rganish osonroq.

FOYDALANILGAN ADABIYODLAR RO'YHATI:

- 1.O'zbek folklori: Pedagogik institutlar uchun xrestomatija, tuzuvchi H. Zarif, Tashkent: 1941.
- 2.Жаҳонгиров Ф., «Тез айтиш», Ўзбек тили ва адабиёти, №3 (1972), 49-52.
- 3.Sarah-Rose la rosophile = Gulsevar Gulsara: virelangues d'Ouzbékistan, choisis, présentés et traduits de l'ouzbek et du qaraqalpaq par Rémy Dor, Paris: L'Asiathèque - IFEAC, 2005, 153p.



MAKTABGACHA YOSHIDAGI BOLALARNING INGLIZ TILIDA TALAFFUZINI OSHIRISH

A.R. Pardayeva

SamDCHTI, Ingliz tilining
integrallashgan kursi kafedrası
assistent o'qituvchisi

Islomova Rayhona

2221 MBT kechki guruh talabasi

Ergasheva Samira

2221 MBT kechki guruh talabasi

Annotatsiya. Ushbu maqola maktabgacha ta'lim muassasalaridagi bolalarga ingliz tilida talaffuzini oshirish haqida. Talaffuz - bu ingliz tilini o'rganishda eng qiyin jihatlardan biridir. Shunga ko'ra, maktabgacha yoshidagi bolalarning talaffuzini oshirish, ingliz tilini o'rganishning dastlabki bosqichida nazorat bo'lishi maqsadga muvofiq.

Kalit so'zlar: Malaka, ko'nikma, muloqot, metod, o'quv jarayoni, og'izaki nutq, o'qish, yozish, tinglash, qiziqish, komponentlar.

Annotation. This article is about improving English pronunciation in preschool children. Pronunciation is one of the most difficult aspects of learning English. Therefore, it is appropriate to improve the pronunciation of preschool children in the early stages of English language learning.

Keywords: Qualification, skill, communication, method, learning process, oral speech, reading, writing, listening, interest, components.

Аннотация. Это статья об улучшении английского произношения у детей дошкольного возраста. Произношение - один из самых сложных аспектов изучения английского языка. Поэтому желательно совершенствовать произношение дошкольников на ранних этапах изучения английского языка.

Ключевые слова: Квалификация, навык, коммуникация, метод, знания, умения, учебный процесс, языковой материал, общение, чтение, письмо, аудирование

Bilamizki, “Yoshlikda berilgan bilim, toshga o'yilgan naqsh” - deyilganidek boshlang'ich ta'lim bolaning kelajakdagi egallaydigan o'rnini tanlashda muhim ahamiyat kasb etadi. Jumladan biror bir kasbga qiziqtirish, bolaning hayotga bo'lgan qiziqishlarini oshirish, faqat tayyor imkoniyatlardan foydalanibgina qolmasdan o'z ichki intuitsiya va qiziqishlarini ochilishida turtki va ko'mak berish darkor.

Aytishimiz mumkinki biror bir til o'rganishga harakat qilayotgan bolaning hohishlari qiziqishlari va imkoniyatlarini inobatga olgan holatda to'g'ri yo'nalish bera olish muhim ahamiyat kasb etadi. Masalan ayrim bog'cha yoshidagi bolalar ba'zi harflarni talaffuz qilishga qiynalishadi, bunday bolalar ingliz tilidagi so'zlarni talaffuz qilganda ularning tilidagi reflekslari bilinmaydi.

Bilganingizdek, ingliz tilida talaffuz murakkab jarayonlardan biridir. Shuning uchun ingliz tilini endi o'rganishni boshlayotgan bolalarga talaffuz qilishni to'g'ri o'rgatib borish maqsadga muvofiq. Bu jarayonda har xil ko'rgazmali qurollar va o'qituvchidan yaxshi malaka va qiziqarli metodlar talab qilinadi.

Ko'pgina poliglotlar maslahat berishicha: maqsadli tilda qanday tez gapirishni o'rganish uchun, avvalo, tez-tez ishlatiladigan iboralar va qiziqarli tezaytishlarni so'zlashuv nutqida ishlatiladigan frazematik fellarni va ideomalarni qo'llash kerak¹.

Ingliz tilida ayrim harflar va tovushlar o'zbek tili alifbosi va tovushlar sistemasida bo'lmaganligi tufayli ba'zi tovushlar o'quvchilar uchun yangi ma'lumot bo'lib ularni talaffuz qilishda talaygina qiyinchiliklarga uchrashi mumkin. Bunday holatda o'qituvchidan biroz mahorat va malaka talab etiladi va o'quvchiga to'g'ri talaffuzni o'rgatish uchun o'qituvchi tilning joylashuvini imkon qadar amalda ko'rsatib bolalarga aniq tushuntirib, bu ko'nikmani takrorlash va muntazam mashqlar orqali tekshirib, rivojlantirib, qiyinchiliklarni bartaraf etib, noto'g'ri talaffuz qilishning oldini olish mumkin. To'g'ri talaffuz orqali nafaqat o'quvchining o'qish (reading) mahorati balki gapirish (speaking) mahorati ham oshadi. Odatda to'g'ri va chiroyli talaffuz qilishni o'rgangan



o'quvchilarning til o'rganishga bo'lgan qiziqishlari va harakatlari yanada ortadi va o'ziga bo'lgan ishonchni his qilishadi . Bu esa bizning ko'zlagan maqsadlarimizdan biriga erishganimizdan dalolat beradi .

Ingliz tilini endi o'rganishni boshlaganlar , ko'pchilik vaqtni behuda sarflash deb hisoblagan , transkripsiyani o'rganishni e'tiborsiz qoldiradilar . Biroq, to'g'ri talaffuz qilish chet tilini o'rganishda asosiy bo'limlardan biridir . Shu sababdan ham ingliz tilini endi o'rganishni boshlagan o'quvchilarning yoshidan qat'i nazar grammatika bilan birga transkripsiya, ya'ni to'g'ri o'qish qoidasini ham birgalikda o'rgatib borish maqsadga muvoffiq bo'ladi .

QAYERDAN BOSHLAGAN KERAK? Ingliz tilida alohida tovushlarning talaffuzi. Ingliz tilidagi so'zlar yozilganidan farqli o'laroq o'qiladi , shuning uchun transkripsiyani o'rganish muhim ahamiyatga ega.¹Avvalo ingliz tilida transkripsiya ba'zi tovushlar ko'rinishga ega . Bularni diqqat bilan o'rganib chiqish va turli xil mashqlar yordamida takrorlab o'quvchining bilimini tekshirib va o'tilgan darslarni muntazam takrorlatib turish eng muhim metodlardan biridir.

O'zbekiston Respublikasining prezidenti Sh. M.Mirziyoyevning “Chet tillarini o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qarorida quyidagilar qayd etilgan : “Mamlakatimizda O'zbekiston Respublikasining “ta'lim to'g'risida”gi qonuni hamda kadrlar tayyorlash milliy dasturini amalga oshirish doirasida chet tillarga o'qitishning kompleks tizimi, ya'ni uyg'un kamol topgan , o'qimishli , zamonaviy fikrlovchi yosh avlodni shakillantirishga , Respublikaning jahon hamjamiyatiga yanada integratsiyalashuviga yo'naltirilgan tizim yaratildi” .

Shu bilan birga , chet tillarini o'rganishni tashkil qilishning amaldagi tizimini tahlil etish shuni ko'rsatmoqdaki , ta'lim standartlari , va yoshlarga yaratilgan imkoniyatlar yanada kengaytirilmoqda² .

¹ - Inglizcha talaffuz (peskiadmin.ru)

²- Chet tillarni o'rganish tizimi...(LEX.UZ)



“ЎТКАН КУНЛАР” РОМАНИДАГИ ПОРТРЕТ ТАСВИРИНИНГ ЛИНГВИСТИК (СИНТАКТИК) ХУСУСИЯТЛАРИ

Mamura Yo‘ldosheva Baxtiyarovna,
Toshkent davlat transport universiteti
Chet tillar kafedrası assistenti
E-mail:mbaxtiyarovna@gmail.com
Tel:99-8923307

Аннотация. Бадиий таржимада аслият матнидаги бадиий-эстетик бўёқдорлик, бадиий-тасвирий воситалар, асар қахрамонларининг ташқи қиёфаси ва ички дунёси, асардаги замон воқелиги каби масалаларнинг таржима матнида ҳам тўлақонлик ифодалаш учун таржимон аслият матнининг ўзига хос ва лисоний хусусиятларидан боҳабар бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан ҳам биз диссертация жараёнида А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги портрет тасвирининг лингвистик-синтактик ва ўзига хос хусусиятлари хусусида сўз юритишни лозим топдик.

Калит сўзлар: синтактик сатҳлар, лисоний, сиймо, стилистик восита, леквистик хусусият

Бадиий матнда портрет тасвировчи муҳим лисоний хусусиятлардан яна бири бу – синтактик хусусиятлардир. Синтактик хусусиятларнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, романда қўлланган портрет тасвирловчи лисоний бирликларни инглиз тилига таржима қилишдаги муаммолар, инглиз ва ўзбек тилларининг синтактик сатҳлардаги ўзаро алломорфик хусусиятларга эга эканлигидадир. Одатда синтактик бирликлар ҳисобланган сўз бирикмаси ва гап турларининг икки тилдаги айрим фарқли жиҳатлар, сўз тартиби, гаплар структурасига кўра алломорфик хусусиятлар бадиий таржимада ҳам ўзига хос қийинчиликлар туғдиради.

Бундан ташқари, асар қаҳрмонларини тасвирлашда одат қиёфа тасвирловчи бирликларга сифат берилади. Бундан бирликлар одатда содда ва мураккаб тузилишга эга бўлади. Содда бирликка “қора қошлик” бирикмасини олсак, мураккаб бирликка “зангор мовутдан тиззагача тушкан калта камзул”ни мисол қилишимиз мумкин. Мана шу мураккаб бирликлар тартиби ҳам инглиз ва ўзбек тилларида турлича ҳисобланади. Инглиз тилида **ҳажми+ёши+шакли+ранги+келиб чиқиши+ишлатиш сабаби + от** кўринишида бўлса, ўзбек тилида **ранг+бўйи+ ҳажм+ёш+маза-таъм+психологик хусусиятлар + от** структурасига эга бўлади.

А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида портрет тасвирининг синтактик хусусиятлари куйидагиларда намон бўлади:

Азизбек орқасидан келгучи бу икки отлиқдан сўнг сипоҳлар туркуми бошланиб, зангор мовутдан тиззагача тушкан калта камзул, қизил мовутдан шим, оёғида сағри етик, бошда Райимбек додхоҳнинг бошидагидек попоқ, аммо уст томони қизил мовутдан, оқ қайишдан камар, сўлига қилич осилиб, ўнг томонига тўфангча қистирилган ҳар қаторда тўрттадан отлиқ келмакда эдилар. Сипоҳларнинг кексаликлари тўғрисидаги нуқсонни эътиборга олинмаса, кўриниш мунтазам эди. (82-бет)

Ушбу парчадаги “зангор мовутдан тиззагача тушкан калта камзул”, “қизил мовутдан шим”, “оёғида сағри етик”, “бошда Райимбек додхоҳнинг бошидагидек попоқ”, “уст томони қизил мовутдан”, “оқ қайишдан камар”, “сўлига қилич осилиб, ўнг томонига тўфангча қистирилган” каби лисоний бирликлар орқали бадиий портрет тасвирланмоқда.

“Зангор мовутдан тиззагача тушкан калта камзул” лисоний бирлиги асардаги саркардаларни ташқи қиёфасини тасвирлаб, тузилиши жиҳатидан мураккаб синтактик бирлик ҳисобланади. Бу ерда саркарда кийган камзил тасвирланмоқда. Бунда *зангор мовутдан тиззагача тушкан калта камзул* бирикмаси **ранг+материал+ бўйи+ҳажми+от** модели орқати синтактик сифат тартибли бирикмани ҳосил қилмоқда. Бу ерда “тиззагача тушкан” бирикмаси “-кан” сифатдош ясовчи қўшимчани қўшилиши эса унинг морфологик хусусиятини англатади. Бадиий таржимада одатда инглиз ва ўзбек тилларининг отни аниқлаб келаётган сифатларни тартиби икки хил тузилишга эга бўлганлиги боис турли таржима қийинчиликларини келтириб чиқаради. “Қизил мовутдан шим” бирикмаси синтактик хусусиятига кўра ҳам битишув, ҳам бошқарув усулида ясалган бўлиб, саркарданинг шимини чандай матодан тикилганлигини “оёғида сағри етик” оёқ кийимининг рангини



билдириб, синтактик жиҳатдан битишув йўли билан ясалган. “Бошда Райимбек додхоҳнинг бошидагидек попоқ аммо уст томони қизил мовутдан” бош кийимининг рангини ифодалайди. Бу ерда попоқни асарнинг бошқа қаҳрамоннинг бош кийимини қўшилиши А.Қодирий такрорлашдан қочишга ҳаракат қилганлигини англатади. Синтактик жиҳатдан ушбу гапда аммо тенг боғловчининг зидлаш турини қўлланган. “Оқ қайишдан камар” саркарданинг камарини рангини ва материални англатиб, синтактик жиҳатдан эса ушбу бирикма мураккаб бирикма ҳисобланади. *Oq qayish* бирикмаси объектни рангини аниқлаб, битишу йўли билан ясалган. *Qayishdan kamar* бирикмаси эса бошқарув йўли билан ясалган бўлиб, объектни қандай материалдан ясалганлигини англатмоқда. “Сўлига қилич осилиб, ўнг томонига тўфангча қистирилган” бирикмасида “осилиб” сўзига “–иб” қўшимчаси қўшилиб, эргашган қўшма гапни ясаб келмоқда.

Демак, бадиий портрет тасвирининг синтактик хусусиятлари ҳам таржимада ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, тасвир учун қўлланилган лисоний воситаларнинг мураккаб шакллари одат таржима қийинчиликларини келтириб чиқаради.

А.Бобониёзовнинг таъбири билан айтганда, “ҳар бир санъаткор қаламга олинган образнинг ташқи сиймосини яратар экан, ўз таланти йўналиши, қолаверса образнинг асардаги ўрни ва бажарадиган хатти-ҳаракати асосида иш кўради. Шунинг ҳам кези келганда таъкидлаш жоизки, айрим ёзувчилар портрет деганда персонажнинг ташқи қиёфасини белгиларини арифметик санаб ўтиш билан чекланадилар. Бундай чалкашликлар туфайли кўпчилик ҳолларда тасвирланган образнинг сиймоси ўқувчи қалбини жижиллатмайди, таассуротига муҳрланиб қолмайди”[1]□. Албатта ёзувчи ўз асарининг қаҳрамонларини тасвирлашда турли лисоний воситалардан самарали фойдаланиб, нафақат ташқи қиёфани кўрсатиб ўтиш, балки унга ўзига хос маъно-мазмун бера олиш лозим. Бу фикрни Н.Гоголнинг қуйдига ҳулосасида ҳам кўришимиз мумкин: “Биргина характерларни умумий белгиларида эмас, миллий уйғун шаклда тасвирлашнинг ўзи бизни ҳаётининг билан ҳайратга солиши, бизни у ҳақида: “Бу бизга таниш одамга ўхшайди-ку” – дейишимиз – фақат ана шундай тасвиргина амалий самара беришини ҳақиқатдан аллақачон англаб етиш пайти етди”[2]□. Романдаги бош қаҳрамон – Отабекни куёвнаркарлик маросимидаги тасвирининг баёнида ҳам юқорида Н.Гогол этироф этган фикрларни кўришимиз мумкин. Ёзувчи бунда ўзбек тилининг лисоний хусусиятларидан моҳирона фойдалана олган ва ушбу тасвир барчаси ўзига хос лексик-семантик бўёқдорликни намоён этади.

Ўзбек ойим элли беш ёшлар чамалиқ, чала-думбул табиъатлик бир хотин бўлса ҳам, аммо эрига ўткирлиги билан машҳур эди. (128-бет)

Мазкур матнда асосан асар бош қаҳрамонларидан бири бўлган Ўзбек ойимнинг тасвири ифодаланган. “Элли беш ёшлар чамалиқ” бирикмаси орқали унинг оши ифодаланган бўлиб, ушбу бирикмадаги “элли беш” сонни ифода этувчи бирикмага “-лар” сўз ўзгартирувчи қўшима ҳамда ўлчов, меъёр, мўлжал, тахмин маъноларини билдирувчи “чама” сўзига “-лик” қўшимчаси қўшилиб, кўмакчи вазифасида тахмин маъносини ифодаламақда. “Элли беш ёшлар чамалиқ” бирикмаси орқали Ўзбек ойимнинг ёши элли беш ёшлар атрофида маъносини ифодаламақда. Асар қаҳрамонига характерини ифодаловчи “чала-думбул табиъатлик” бирикмасидаги “чала-думбул” қўшма сўзи асосан бадиий ва оғзаки услубда ишлатилади. “Чала-думбул” сўзининг луғавий маъноси Ўзбек тилининг изоҳли луғатида учрамади. Ушбу сўзнинг маъносини компонент таҳлил қиладиган бўлсак, “чала” сўзи маромига ёки тамомига етказилмаган, битказилмаган, тамомланмаган каби маънолари мавжуд бўлиб, “думбул” сўзининг донли экинларнинг тўли пишиб етилмаган ҳолати маъноси мавжуд[3]□. Бироқ ушбу сўзлар қўшма бирикма ҳолатида кўчма метафорик маънода инсонга нисбатан қўлланмоқда. Шунинг учун “думбул” сўзининг кўчма маънолари ақлсизроқ, тентакнамо, девонасифат; ҳаёт тажрибаси бўлмаган: хом, ғўр маъноларига эътибор қаратадиган бўлсак, ёзувчи Ўзбек ойимнинг характерига “чала думбул” бирикмасини қўллаши орқали асар қаҳрамонининг кўп ўйламасдан фикр билдирувчи, мулоҳазадан йироқ маъноларини англатувчи характерга инсон сифатида тасвирлаган. Бироқ, портрет тасвиридаги зидланишни англатувчи “аммо” тенг боғловчисидан фойдаланиб, “эрига ўткирлиги билан машҳур эди” бирикмасидаги “ўткир” сўзи кўчма метафорик маънода қўлланган бўлиб, бу орқали қаҳрамоннинг ўз эрига ўз тасирини ўтказа оладиган характер ифодааланмоқда. Чунки “ўткир” сўзининг изоҳли луғат руҳий ва бошқа жиҳатдан тасир даражаси, кучи юқори, кучли[4]□ кўчма маънолари мавжуд.



Ўзбек адабиётининг дурдоналаридан саналган “Ўткан кунлар” романида А.Қодирий улкан ёзувчи ва шоирларга хос бўлган иқтидор эгаси сифатида ўзининг илк тарихий романида XIX асар иккинчи ярмида хонлик тузумидан рўй берган воқеаларни қаламга олар экан, ўша замоннинг турли хил қиёфа, шакл-шамойили, касбу корга эга бўлган ўнлаб персонажларнинг портрет тасвирини беради. Бироқ ёзувчи образдарнинг тўла ҳолда қиёфасини батафсил чизмасдан, балки асар ғоясини очишга хизмат қиладиган бош образларнигина тўлалигича ўқувчига тақдим қилади.

Абдулла Қодирий шундай ёзувчики, у ҳар бир шахс портретини яратганда, ўша шахснинг жамиятдаги ўрни, характер хусусияти, шахсиятига хос белгиларни аниқлаётган сифатларни топа олади ва бу сифатларни ифода қиладиган сўзларни ҳам ўрнига қўя олади.

“Ўткан кунлар” романининг тилининг лингвистик хусусиятларидан яна бири, унда турли стилистик воситаларнинг фаол қўлланишидир. А.Қодирий мазкур асарни ёзишда инсон қиёфасини тасвирлашда ўқувчига бадиий эстетик бахш этиш учун метафора, ўхшатиш, метонимия, муболаға каби стилистик воситалардан кенг фойдаланади. Масалан, асар қаҳрмонларидан бири Жаннат кампир тасвирида биз таъкидлаб ўтган стилистик усуллардан ўхшатиш ва муболаға моҳирона фойдаланилган. Л.Бобохоновага кўра, “ҳодиса ёки воқеликнинг ҳар хил бўлагига тегишли икки тушунча бир-бири билан бирон бир хусусиятига кўра таққосланади. Бундай ўхшатишлар “-дай (гулдай)”, “-дек (тоғдек)”, “-ларча (болаларча)” каби ўхшатиш маъносини ифодаловчи махсус воситалар орқали юзага келади. Баъзан бу воситаларни ўхшатиш шакллари деб ҳам аташади. Бундан ташқари лексик воситалар ҳам қўлланилади. Булар ўрнида (каби, ўхшаш, мисоли, худди, сингари) кумакчилар, боғловчилар (гуё, гуёки), равиш (айнан) кўпроқ қўлланади”. Ўхшатиш асосида асар қаҳрамони юзининг айрим қисмлари табиатда учраб турадиган ҳодиса ва объектларга ўхшатишмоқда. “Ўткан кунлар” романидаги Жаннат кампир исмли қаҳрамонни ташқи қиёфасини тасвирлашда муболаға стилистик воситаси ҳам қўлланган. Муболаға нарса, ҳодиса, жараёнларнинг белги-хусусиятини, ҳолатини ўта бўрттириб тасвирлашдир[5]□. А.Шомақсудовнинг таъбирича, “муболаға бўрттириш, орттириб кўрсатиш маъноларини билдиради. Муболаға ҳам асосан кўчма маънога асосланган. Лекин тропнинг бошқа турларида кўчма маъно асосида қандайдир ўхшатиш ёки бошқа бирор предмет ва воқеа-ҳодиса тушунилса, муболағада ҳаддан ташқари кучайтириш ёки кичрайтириш тўғри маънода тушунмасликни талаб қилади. Муболаға усулидан фойдаланаётганда у ҳақиқатга қай даражада мос келишига аҳамият бериш керак. Акс ҳолда муболаға бадиий бўёқ бериш ўрнига ўқувчида ишончсизлик уйғотиши мумкин”[6]□. Романда асар қаҳрамонларини ўзаро қиёслаш жараёни ҳам кузатилади. А.Қодирий аёл қаҳрамонларининг энг чиройлиси сифатида Кумушни тасвирласа, энг хунуги сифатида Жаннат кампирни тасвирлайди. Шунинг учун уни тасвирлашда муболаға усули ҳам бевосита қўлланади.

Хотин Кумушка қараб келар еди. Ул ердан бичиб олгандек пак-пакана, бурни юзи билан баробар деярлик теп-текис, кўзи қоққан қозиқ ўрнидек чуп-чуқур, оғзи қулоғи билан қошиқ солишар даражада жуда катта, юзи қирқ йиллик оғриқларникидек сап-сарик, қирқ беги ёшлар чамасида бир хотин эди. Кумушибиби ўзига томон келгучи бу даҳшатлик хотинни умрида биринчи мартаба кўрар эди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, асар қаҳрамони Жаннат кампирни ташқи қиёфасини тасвирловчи ушбу матнда бир қатор стилистик воситалар қўлланган. Жумладан *ердан бичиб олгандек, қоққан қозиқ ўрнидек, юзи қирқ йиллик оғриқларникидек* бирикмаларида ўхшатиш стилистик воситаси қўлланган бўлиб, “*ердан бичиб олгандек*” ўхшатишли бирикмаси орқали қаҳрамон гавдасини, “*қоққан қозиқ ўрнидек*” бирикмаси орқали кўзи ва “*юзи қирқ йиллик оғриқларникидек*” ўхшатишли бирикмаси орқали қаҳрамон юзининг ранги тасвирланган. *Бурни юзи билан баробар, оғзи қулоғи билан қошиқ солишар даражада жуда катта* бирикмаларида эса муболаға стилистик воситаси қўлланган бўлиб, асар қаҳрамонининг юзи ва оғзининг катталигини ифодаламоқда. Бу ерда аввало шуни қайд қилиш керакки, Абдулла Қодирий моҳир санъаткор сифатида бу образ сиймосига хос бўлган характерли сўзларни беҳато мўлжалга тегадиган даражада қайта ишлов беради. Ва шу туфайли китобхон ишончини оқлайди. Бунинг учун ёзувчи хунукликка монанд сўзларни танлайди. Эътибор беринг: Аёл шунчалик паст бўйлик эмас, балки “*ердан бичиб олгандек пак-пакана*”. Аёлларимизнинг қадди-қомати, бўйи-баста хусусида асарлар оша гўзаллик тимсоли сифатида алоҳида урғу, таърифу тавсиф берилиб келинган. Ёзувчи нафакат қадди



қомат, балки юз-кўз тасвирида ҳам даҳшатли ибораларни қуюқлаштириб боради. *Бурни юзи билан баробар деярлик теп-текис*. Халқ тилида одатда *бурнини ел олган*, янаям соддароқ қилиб айтганда, *пучуқ бурун* каби иборалар мавжуд. Кўз ичига боғиқроқ бўлиши мумкин, бироқ бу ердаги кўз “қоққан қозик ўрнидек”. Бу ибора ҳам китобхон тасаввурига тез ўрнашади.

А.Қодирий бошқа асар қаҳрамонларининг ҳам ташқи қиёфасини тасвирлашда ҳам тури хил стилистик воситалардан мохирлик билан фойдалана олган.

Демак, бадиий портретни тасвирлашнинг ўзига хос лингвистик хусусиятлар мавжуд бўлиб, улар морфологик, синтактик, лексик-семантик ҳамда стилистик сатҳларда намоён бўлади. Портрет тасвирловчи лисоний бирликларнинг бу каби хусусиятларини тўғри англаш ва уларни таржима тилидаги муқобили билан алмаштириш, таржима матнида лакуна хусусиятига эга бўлган лисоний бирликларни имкон қадар таржима матнида яқинлаштириш таржимон олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Бадиий таржимада асар қаҳрамони портрети тасвирини қайта ифодалашнинг морфологик, синтактик, лексик-семантик, стилистик аспекти хусусида диссертациямизнинг кейинги фасл ва бобларида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бобониёзов А.Ю. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида тасвирий воситалар ва тил бадиияти. Фил.фан.ном. диссертация. –Т.: 1995. –Б.23.
2. Русские писатели о литературном труде. –М.: Сов. писатель. 1956. – С.673.
3. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2002. – Б.30.
4. Шомақсудов А, Расулов И, Қўнғуров Р, Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Т., 1983. – Б.244.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати Ч- 449, Д-661
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ў-179



“ЎТКАН КУНЛАР” РОМАНИДАГИ ПОРТРЕТ ТАСВИРИНИНГ ЛИНГВИСТИК (МОРФОЛОГИК) ХУСУСИЯТЛАРИ.

Mamura Yo‘ldosheva Baxtiyarovna,
Toshkent davlat transport universiteti
Chet tillar kafedrası assistenti
E-mail:mbaxtiyarovna@gmail.com
Tel:99-8923307

Аннотация. Бадиий таржимада аслият матнидаги бадиий-эстетик бўёқдорлик, бадиий-тасвирий воситалар, асар қаҳрамонларининг ташқи қиёфаси ва ички дунёси, асардаги замон воқелиги каби масалаларнинг таржима матнида ҳам тўлақонлик ифодалаш учун таржимон аслият матнининг ўзига хос ва лисоний хусусиятларидан бохабар бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан ҳам биз диссертация жараёнида А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги портрет тасвирининг лингвистик ва ўзига хос хусусиятлари хусусида сўз юритишни лозим топдик.

Калит сўзлар: образ, лисоний, қаҳрамон, морфологик, ташқи қиёфа

Инсон характери бадиий асарда гавдалантириш адабиётнинг асосий масалаларидан бири саналади. Тасвирланаётган қаҳрамонни китобхон кўз ўнгида жонли ва ишонарли чизиш учун эса ижодкор турли хил бадиий ва лисоний воситалардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Бундан бадиий портрет ҳам мустасно эмас.

“Ўткан кунлар” романида асар қаҳрамонини ташқи қиёфаси ва ички дунёсини таъсирлашнинг бадиий ва лисоний хусусиятларини ўрганиш учун ўзбек адабиёти, хусусан романчиликда портрет тасвири масалаларига бағишланган илмий изланишларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Бадиий адабиётда портрет тасвири масалалари, қаҳрамон образини тавсирлашда бадиий ва лисоний воситалар хусусида А.Бобониёзов□, Т.Қурбонов□, С.Акбарова□ каби олимларнинг илмий тадқиқот ишларида кўришимиз мумкин.

А.Бобониёзов ўз тадқиқот ишида “Ўткан кунлар” романида А.Қодирий асар қаҳрамонлари ҳисобланган Отабек, Азизбек, Акрам хожи, Мусулмонқул, Юсуфбек хожи, Кумуш кабиларнинг тасвирлашдаги маҳорати, қаҳрамон тасвирига ўзига хос ёндашувлар, қаҳрамонларни тасвирлашдаги бир-бирини такрорламайдиган услубларни қўллаганлигини эътироф этади. Олимнинг фикрига кўра, “портрет тасвирланаётган шахснинг ташқи қиёфасини аниқ ва жонли чизиш билан чекланиб қолмасдан, балки асар ғояси билан узвий боғланиб, персонажларнинг маънавий олами, ўзига хос белгиларини ишонарли тарзда ёритиб бериш керак”□. Бу ҳодиса асарни ўқувчисига қаҳрамонни худди ўз кўзи билан кўргандик ҳиссиётларни уйғотишига сабаб бўлади.

Т.Қурбоновнинг ёндашувига кўра, “адабий портрет яратишнинг аҳамияти образнинг ташқи қиёфасини конкретлаштиришга ёрдам бериш, китобхон кўз ўнгида ҳаракатдаги, жонли қаҳрамонни гавдалантириш билан чекланмайди. Маҳорат билан яратилган портрет тасвириди персонажнинг ёши, қайси ижтимоий табақага ҳослиги, касби, машғулот, маданий даражаси, характери, одоби, психикаси, рухий ҳолатлари, ҳаттоки қайси даврга мансублиги ҳам ўз ифодасини топади”□. Бадиий матнда портрет тасвирини ўқувчи ўз онгида талқин қилар экан, асар қаҳрамонига доир хусусиятлар асар муаллифи томонидан моҳирона тарзда ифодаланганига ишон ҳосил қила олади ва шу орқали асар қаҳрамонини ташқи қиёфаси ва ички дунёсини кўз олдида гавдалагтира олади.

С.Акбарова бадиий портретнинг лингвистилистик ва когнитив-прагматик аҳамиятини тадқиқ қилар экан портрет масаласида қуйидаги фикрни эътироф этади: “портретлаш муаммосини лингвистик таҳлил қилиш жараёнида бадиий портретнинг когнитив аҳамияти (портретнинг фрейм тузилиши ва унинг матнда оламнинг концептуал манзарисини акс эттиришдаги роли); бадиий портретнинг прагматик хусусиятлари (ижтимоий, гендер ва индивидуал психологик хусусиятлар); бадиий портретнинг лингвистик ва маданий жиҳати (бадиий портретнинг концептуаллашуви ва миллий-маданий ўзига хослиги) кабиларга эътиборга қаратиш мақсадга мувофиқ”□. Олимнинг фикрига қўллаб-қўвватлаган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, ҳар қандан асар қаҳрамонини тасвирлашда қаҳрамон мансуб бўлган



миллатнинг ижтимоий, гендер, миллий-маданий хусусиятлари, шунингдек оламни идрок этиш борасидаги қарашлари намоён бўлади. Бу эса бадиий таржимада қаҳрамон портретини тасвирлашда юқорида тақидлаб ўтилган лингвистик ва экстралингвистик омилларга эътибор қаратиш лозимлигини билдиради. Биз эса мазкур тадқиқот ишимизда портрет тасвирининг бадиий таржимада қайта ифодалашнинг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари хусусида сўз юритишни мақсад қилганмиз.

Кўриб турганимиздек, бадиий портрет масаласига бағишланган аксарият изланишлар адабиётшунослик соҳасида олиб борилган бўлиб, портрет тасвирини лингвистик хусусиятлари, таржимада берилиш муаммолари борасида тадқиқот ишларнинг кўлами кам.

Демак, портрет тасвирининг бадиий таржимада қайта ифодалаш масалалари борасидаги муаммоларга ечим топиш учун аввало аслият матнида қаҳрамон портрети масаласининг лингвистик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратишимиз лозимдир.

Ўзбек тилидан инглиз тилига ва инглиз тилидан ўзбек тилига амалга ошириладиган таржималарда таржимон бир қатор лингвистик муаммоларга дуч келадики, булар мазкур тиллардаги ўзига хос алломорфик ва изоморфик хусусиятларга боғлиқ. Бу каби хусусиятлар генетик жиҳатдан ўзбек тили Олтой тиллар оиласи ва туркий тиллар гуруҳига киришида, инглиз тил эса Ҳинд-Европа тиллари оиласи, герман тиллари гуруҳига мансублигида намоён бўлади. Шунингдек, морфологик таснифга кўра ҳам бу икки тил турли тил гуруҳига мансуб, ўзбек тили морфологик жиҳатдан агглютинатив тиллар, инглиз тили флектив тиллар гуруҳига кириди. Табиийки, мазкур тиллар ҳам генетик, ҳам морфологик таснифга кўра икки тил гуруҳига мансуб бўлганлиги боис, алломорфик хусусиятлар, яъни тиллардаги тил сатҳлари бўйича фарқлар катта салмоқни ташкил этади. Бу каби тавафутлар табиийки, бадиий матн ва унинг лингвистик хусусиятларида ҳам намоён бўлади.

“Ўткан кунлар” романидаги портрет тасвирловчи тил бирликларининг морфологик хусусиятлари ўзга хос аҳамиятга эга. Ёзувчи роман қаҳрамонларининг ташқи қиёфаси ва ички дунёсини тасвирлаётганда асосан сифат, от, сон, кўмакчи, феъл ва феъл шакллари, шунингдек, шакл ясовчи қўшимчалардан фаол фойдаланган. Қуйидаги матн орқали асарнинг бош қаҳрамонларидан бири ҳисобланган Ҳасаналининг ташқи қиёфаси тасвирининг морфологик хусусиятларини таҳлилга тортамыз.

Шу орада ҳужрага бир чол кириб ул ҳам меҳмонлар билан сўрашиб чиқди. Бу чол Ҳасанали отлиқ бўлиб, олтмиш ёшлар чамасида, чўзиқ юзлик, дўнггироқ пешоналик, сариққа мойил, тўғарак қора кўзлик, оппоқ узун соқоллик эди. Соқолининг оқлигига қарамасдан унинг қаддида кексалик аломатлари сезилмас ва тусида ҳам унча ўзгариш йўқ эди. (7-бет)

Мазкур матнда “олтмиш ёшлар чамасида” бирикмаси орқали қаҳрамоннинг ёши тасвирланиб, у “сон+от+шакл ясовчи қўшимча+кўмакчи” кўринишини ҳосил қилган. “Чўзиқ юзлик” бирикмаси “сифат+от” орқали ясалаб қаҳрамоннинг юзини, “дўнггироқ пешоналик” бирикмаси эса “сифат+от” кўринишида бирикиб, юзнинг пешона қисми, “сариққа мойил” бирикмаси эса “от” сўз туркуми “кўмакчи” билан бирикиб, юзининг рангини, “тўғарак қора кўзлик” бирикмаси эса “сифат+сифат+от” кўринишида бирикиб, кўзининг ранги, “оппоқ узун соқоллик” бирикмаси орқали эса қаҳрамон соқолининг шакли ва ранги тасвирланиб, ушбу бирикма ҳам “сифат+сифат+от” кўринишида бириккан. Юқоридаги матнда қаҳрамоннинг ташқи қиёфасини тасвирлашда қўлланган лисоний воситаларнинг морфологик хусусиятларини таҳлил қилар эканмиз, муаллиф томонидан сон сўз туркуми бир марта, от сўз туркуми олти марта, сифат сўз туркуми олти марта, кўмакчи ёрдамчи сўз туркуми икки марта, шакл ясовчи қўшимча эса икки марта қўлланган. Демак, романда муаллиф портрет тасвирини баён этишда асосан от ва сифат сўз туркумига мансуб сўзлардан кенг фойдаланган. Бу эса таржима жараёнида мазкур сўз туркумларнинг инглиз тилига таржимасига эътибор қаратишимиз кераклигини англатади. Чунки инглиз ва ўзбек тилларида от сўз туркумининг алломорфик хусусиятлари бошқа сўз туркумларига нисбатан кўпроқ. Бундан ташқари от сўз туркумига хос сўзлар таржимада транспозиция усули орқали ҳам таржима қилиниши мумкин. А.Ҳуртадо ва Л.Луциянинг хулосасига кўра, “транспозиция – бу бир сўз туркуми, асосан от сўз туркумига хос сўзлар аслият тилидан таржима тилига олиб ўтилганда ўз позицияни ўзгартириши, яъни от сифатга ёки феълга, бирлик формаси кўпликка ўзгариши мумкин”□. Бу эса таржимонни чалғитиши ва таржима жараёнида ўзига хос қийинчиликларни юзага келтириши мумкин.

Демак, бадиий портретни тасвирлашнинг ўзига хос лингвистик хусусиятлар мавжуд бўлиб,



улар морфологик, лексик-семантик ҳамда стилистик сатҳларда намоён бўлади. Портрет тасвирловчи лисоний бирликларнинг бу каби хусусиятларини тўғри англаш ва уларни таржима тилидаги муқобили билан алмаштириш, таржима матнида лакуна хусусиятига эга бўлган лисоний бирликларни имкон қадар таржима матнида яқинлаштириш таржимон олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бобониёзов А.Ю. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида тасвирий воситалар ва тил бадияти. Фил.фан.ном. диссертация. –Т.: 1995. –135 б. -22б
2. Курбонов Т. Одил Ёкубовнинг портрет яратиш маҳорати. Фил.фан.ном. диссертация. – Т.: 1997. –159 б. -5б
3. Акбарова С. А. Лингвостилистические средства и когнитивно-прагматическая значимость художественного портрета (на материале английскх художественного портрета). – Т.: 2005. – 145 б. 15-б
4. Lucía M, Hurtado A. Translation Techniques Revisited: A Dynamic and Functionalist Approach. – Meta: Translators’ Journal, vol. 47, № 4. 2002. – pp. 498-512.



ULÍWMA BILIM BERIW MEKTEPLERINDE KÓMEKSHI SÓZLERDI OQÍTÍW

Dauletyarova Ulzira Kudiyarovna

Nókis olimpiya hám paralimpiya sport túrlerine
tayarlaw orayı qaraqalpaq tili hám ádebiyatı páni
oqıtıwshısı. Nókis qalası. +998906631218

Annotaciya: Maqalada mekteplerde “Qaraqalpaq tili” sabaqlarında “Kómekshi sózler” temasin úyretiw máseleleri, sabaq barısında aldınğı pedagogikalıq texnologiyalardı qollanıw haqqında metodikalıq usınıslar berilgen.

Tayanış sózler: Qaraqalpaq tili, kómekshi sózler, tirkewish, dáneker, janapay, sabaq túrleri, muǵallımnıń túsindiriw usılları, interaktiv metodlar.

Biziń xalqımız óz balaların, úmitin, mekteptegi muǵallımlardıń qolına tapsırıp qoyadı. Balalar úydegi alǵan tárbiyanı mekteptegi bilim menen baylanıstırıp, rawajlandırıp otıradı. Hár bir ata-ana muǵallımnıń balasında házirgi zaman talabına say tárbiya hám bilim, kásiplik dárejesin arttırıwın úmit etedi. Sonıń ushın ustazdıń ózi de házirgi zaman talabına say bilim dárejege iye bolıwı shárt. Ol jańa pedagogikalıq texnologiyanı óz kásibine paydalana alatuǵın, biziń gárezsizlik dáwirimizdiń talaplarına say hám tárbiyalanǵan hám oqıǵan házirgi demokratiyalıq xarakterdegi puxaralıq jámiyettiń ustazı degen húrmetli at penen jasawı kerek.

Mekteplerde qaraqalpaq tilin oqıtıwda, tildiń grammatikalıq dúzilisin úyreniwde grammatikanı oqıtıwdıń áhmiyeti úlken. Grammatikanıń bir bólimi morfologiyanı oqıtıw mektep oqıwshılarınıń sózlik qorınıń artıwına, oy-pikirin awızeki hám jazba túrde bayan etiwine úlken tásir jasaydı. Mánili sózler menen kómekshi sózlerdi ajratıwǵa úyrenedi. Olardı gápte qollanıw kónlikpeleri payda boladı.

Mekteplerge arnalǵan qaraqalpaq tili baǵdarlaması boyınsha kómekshi sózlerdi 7-klassta úyreniw belgilengen. Kómekshi sózlerdi oqıtıw arqalı oqıwshılardıǵa kómekshi sózlerdiń ózgeshelikleri, olardı mánili sózlerden ajrata biliwi, kómekshi sózlerdiń túrleriniń bir-birinen parqı, olardıń jazılıwı úyretiledi.

Kómekshi sózlerdiń gápte qollanıw ózgesheliklerin, yaǵnıy sóz benen sózdi, gáp penen gápti baylanıstırıwdıǵı ornın hám olardıń sózge hám gápke qosımsha beretuǵın mánileri haqqında teoriyalıq maǵlıwmat beriledi. Muǵallım dáslepki sabaqta mánili sóz benen kómekshi sózdi salıstırıp, mánili sózlerdiń, zattıń atın, sanın, sının, háreketin t.b. mánilerge iye bolatuǵınlıǵın, al kómekshi sózler dara turǵanda belgili bir mánı ańlatpaytuǵınlıǵın, olar mánili sózlerdi baylanıstırıw hám olardıǵa qosımsha mánı beretuǵınlıǵın mısallar arqalı túsindiredi.

Kómekshi sózlerge tirkewish, dáneker, janapaylar kiredi. Kómekshi sózlerdiń hár bir túrin oqıtıwdıń ózine tán ózgesheligi bar. Oqıtıwda hár qıylı metod hám usıllardan paydalanıw talap etiledi.

Qaraqalpaq tilinde kómekshi sózlerge kiretuǵın tirkewishler mánili sózlerge dizbeklesip kelip, olardı ekinshi mánili sóz benen baylanıstırıp keledi. Tirkewishlerdi oqıtqanda onı ózi dizbeklesip kelgen atlıq, almasıq, kelbetlik, feyil, háreket atı feyiller menen qosıp túsindiriledi. Tirkewishlerdiń ózgeshelikleri tuwralı teoriyalıq bilim beriwde hám oqıwshılarda ámeliy bilim kónlikpelerin payda etiwde tirkewishlerdiń ózi dizbeklesip turǵan sózdiń belgili bir seplikte turıwın talap etetuǵın orınların soraw-juwap, gúrrińlesiw, kórsetpelik, yaǵnıy sxema, keste, kespe qaǵazlar arqalı túsindiremiz. Tirkewishlerden paydalanıw arqalı gáp quraw, tekstten tirkewishlerdi taptırıw arqalı olardıń gáptegi xızmetin anıqlaymız. Sonday-aq, tirkewishlerdiń óz-ara seplik qosımtaları menen sinonim bolıp keliwin mısallarda kórsetemiz.

Dánekerler sóz benen sózdi, gáp penen gápti baylanıstırıp keledi. Dánekerler sózler menen tirkewishlerdiń ózgesheligi, eger dáneker sóz gápte túsirilip qaldırılса gáptiń mánisi pútkilley ózgermeydi, tek intonaciyalıq ózgerisler boladı. Al, tirkewishler túsirilip qaldırılса, gáptiń mazmunı buzıladı. Sonlıqtan dáslep dáneker sózler menen tirkewishlerdiń usınday ózgesheligin mısallar arqalı salıstırıp túsindiremiz. Dánekerlerdiń sózlerdi yaki gápplerdi baylanıstırıp turǵanlıǵın mısallar arqalı oqıwshılardıǵa anıqlatamız. Dánekerlerdiń túrleri hám mısallar jazılǵan kestden paydalanamız. Dánekerlerdiń sózlerdi hám gápplerdi baylanıstırıwda olar arasındıǵı qarsılaşlıq, sebeplik, waqıtlıq, gezekleslik, shártlik t.b. qatnasları túsindiriledi. Bunda biz tekstlerden, shınıǵıwırlardan paydalanamız. Óz betinshe tekst dúzdiremiz, yamasa kartınaǵa qarap



gápler dúzdiremiz. Bunda kóbirek dánekerlerdiń birgelikli aǵzalarǵı baylanıstırıwdaǵı xızmeti kórsetiledi. Muǵallım sabaqta induktiv hám deduktiv metodlardan paydalansa boladı.

Janapaylar-sózge yaki gápke qosımsha máni beretuǵın kómekshi sózdiń bir túri. Biz janapaylardı túsindiriwde dáslep janapay qollanǵan hám qollanbaǵan mısallardı taxtaǵa yaki kórgizbe quralǵa jazıp salıstırıp túsindiremiz. Keyin janapayı bar gáplerde janapay sózdiń qanday qosımsha máni berip turǵanlıǵın oqıwshılardıń qatnasıwında anıqlaymız. Mısalı: Sen bardıń. Sen bardıń ba? Bunda ba janapayı sorawlıq máni anlatıp turǵanlıǵı málim.

Janapaylar boyınsha oqıwshılardıń teoriyalıq maǵlıwmat beriwde olardıń gápke yaki ondaǵı negizgi sózge qosımsha máni beretuǵınlıǵın túsindiriw menen birge, olardıń jazılıwına da ayırıqsha itibar beriw talap etiledi. Sonlıqtan, ma, me, ba, be, ǵana, tek, ǵoy janapaylarınıń ózi dizbeklesip kelgen sózlerden bólek jazılatuǵınlıǵın, ma, me, janapaylarınıń mı, mi túrinde betlik jalǵawınıń aldında, al mısh, mısh, sesh janapaylarınıń ózi dizbeklesip kelgen sózge qosılıp, al, aq, ań, aw, a, á, áy janapaylarınıń defis arqalı jazılatuǵınlıǵın mısallar menen túsindiremiz. Bunda biz imla qaǵıydalarınan paydalanamız.

Kómekshi sózlerdi oqıtıwda jańa pedagogikalıq texnologiyalardan, interaktiv metodlardan paydalanamız. Bul ushın «Oyla, izle, tap» oyın shólkemlestirsek boladı. Sebebi «Oyla, izle, tap» oyın oqıwshılardıń oy-órisin asırıwǵa, qanday da bir predmettiń ózgesheligin tezde anlap alıwǵa járdem beretuǵın oyın metodı bolıp tabıladı. Tákirarlaw sabaqlarında test usılınan, skonvord, krossvordlardan paydalansa boladı. Kómekshi sózlerdiń bóliniwlerin sxema, tablica túrinde kodoskoplardan paydalanıp kórsetsek boladı. Kómekshi sózlerdi oqıtıwda muǵallım hár qıylı metodlardan paydalanıp oqıwshılardıń sanalı túrde ózlestiriwine erisiwimiz zárúr.

Biziń búgingi keltirilgen pikirlerimiz mekteplerde kómekshi sózlerdi oqıtıwda itibarǵa alınsa maqsetke muwapıq boladı dep oylaymız. Sebebi, qaraqalpaq tiliniń hár bir tarawın oqıtıwda onıń ózine tán ózgesheliklerin esapqa alıp metod tańlaw, sabaqtı shólkemlestiriw zárúr.

Ádebiyatlar

1. Berdimuratov E., Pirniyazov Q., Orta mekteplerde qaraqalpaq tilin oqıtıw metodikası. Nókis, 1988
2. Dawenov E., “Qaraqalpaq tilinde kómekshi sózler. Nókis, 1994
3. Dawletov A., Dawletov M. Qaraqalpaq tili. 7-klasslar ushın sabaqlıq, Nókis, 2000

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ 7-ҚИСМ

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 28.02.2023

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000